

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.17.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 657.6-048.32(575.1)

ЖУМАБОВ ТОЛИБЖОН ҒОЛИБ ЎҒЛИ

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.08 - “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор Мелиев И.И.

Тошкент-2025 йил

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ	МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1	Ўзбекистонда молиявий ҳисобот аудитини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари.....	14
1.2	Молиявий ҳисобот шакллари аудитининг назарий-услубий масалалари.....	25
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	45
II БОБ	МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ.....	47
2.1	Жорий давр молиявий ҳисоботига олдинги (ўтган) давр молиявий кўрсаткичлари ва молиявий ҳисобот тузилган санадан кейин амалга оширилган муомалалар таъсирини баҳолаш.....	47
2.2	Молиявий ҳисоботнинг ўзаро боғлиқ ва қиёсий кўрсаткичлари аудитининг хусусиятлари.....	56
2.3	Халқаро стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш йўналишлари.....	74
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	92
III БОБ	МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	94
3.1.	Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини такомиллаштириш йўналишлари.....	94
3.2.	Пул оқимлари ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот аудити жараёнларини такомиллаштириш хусусиятлари.....	111
3.3.	Молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларни аниқлаш ва уларни ҳисоботга таъсирини баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш.....	127
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	146
	ХУЛОСА.....	148
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	151
	ИЛОВАЛАР	166

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аудиторлик фаолияти молиявий ҳисобот ишончлилигини оширишга қаратилган, ушбу жараёнда Халқаро бухгалтерлар федерацияси (International federation accountants - IFAC), Америка сертификатланган жамоат бухгалтерлари институти (American institute of certified public accountants- AICPA), Халқаро ички аудиторлар институти (The institute of internal auditors- ИА), Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича халқаро қўмита (International accounting standards committee - IASC) ва Европа эксперт бухгалтерларининг федерацияси (Federation des experts comptables european - FEE) ҳамда катта тўртлик (Big four) аудиторлик компаниялари (Deloitte, KPMG, PwC ва EY) каби ташкилотлар бевосита иштирок этадилар. Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) маълумотларига кўра, бугунги кунда “жаҳондаги 130 га яқин давлатларнинг 100 мингдан ортиқ аудиторлик ташкилотларида 2,5 миллиондан ортиқ аудиторлар ҳамда дунё бўйлаб 179 дан ортиқ бухгалтерларнинг профессионал уюшмалари”¹ фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 2024 йилда (Big four) аудиторлик компаниялари томонидан “аудит ва кафиллик (ишонч билдириш) хизматлари бўйича 63,0 миллиард, солиққа тортиш ва юридик хизматлари бўйича эса 44,7 миллиард ҳамда консалтинг ва маслаҳат хизматлари соҳасида эса энг катта ҳажм, яъни, 104,7 миллиард доллар ҳажмидаги хизматлар”² кўрсатилган.

Жаҳон миқёсида молиявий ҳисобот аудити ҳамда турдош аудиторлик хизматларини юқори сифат даражасида амалга ошириш унификациялашган халқаро стандартлар тизимига асосланади, бу эса ўз навбатида давлатлар томонидан норматив-ҳуқуқий асосларнинг узлуксиз такомиллашувини талаб этади. Жумладан, хорижлик олимларнинг илмий ишларида Америка Қўшма Штатларининг умумэътироф этилган принциплари (Generally Accepted Accounting Principles - GAAP), молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари

¹ www.ifac.org

² https://en.wikipedia.org/wiki/Big_Four_accounting_firms

(International Financial Reporting Standards - IFRS) ва аудитнинг халқаро стандартлари (International Standards on Auditing - ISA) регламентларига суянган ҳолда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини аудиторлик далиллар мажмуи асосида таққослаш, молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг таъсир даражасини гуруҳлаш ҳамда аудиторлик риск параметрлари билан муҳимлик чегараларини аниқлашнинг алоҳида методологик аспекти назарий-амалий жиҳатдан тизимлаштирилган.

Шунга қарамадан, хорижий илмий адабиётларда молиявий ҳисобот турли шакллари аудитининг концептуал-услубий ёндашуви, молиявий ҳисобот аудитининг ҳозирги замон ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари, аудит натижаларини гуруҳлаш ҳамда қўллаш масалалари системали тадқиқ қилинмаганлиги мушоҳада қилинмоқда, бу эса мазкур илмий соҳада фундаментал изланишлар олиб бориш зарурлигини ёки кўрсатилган муаммоларга доир масалаларнинг ечимини ҳали топмаганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ишончли ва тасдиқланган молиявий ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни белгиланган муддатларда манфаатдор томонларга етказиш мақсадида, янги таҳрирдаги "Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида"ги Низом³, 62 та моддадан ташкил топган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари⁴, ҳар бири 25 та алоҳида стандартдан иборат бўлган бухгалтерия ҳисобининг халқаро⁵ ва миллий⁶ стандартлари қонунчилик даражасида қабул қилинган бўлиб, мазкур стандартлар асосида тайёрланган ҳисоботлар ишончилиги республикада фаолият юритаётган "156 та аудиторлик ташкилотларининг 1154 нафар малака сертификатига эга касбий

³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги "молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги Низом" номли 181-сон буйруғининг 1-илловаси

⁴ Ахборот_хабари__03-43-2725_06_02_2024_й.pdf

⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2022 йил 9 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида"ги 3400-сон буйруғи. 3400-сон 09.12.2022. <https://lex.uz/uz/docs/6312360>

⁶ Buxgalteriya_hisobi_va_audit_2024_Hisobot_qisqa_01_23_lotrasmi.pdf